*Журналист муаммо кўтаради*

# МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ КАСБ

ҲАР САФАР дадамларни нимадир безовта қилаётганлигининг гувоҳи бўламан. Ёшлари ҳали олтмишга ҳам бормаган, жисмоний жиҳатдан ўта бақувват эканликларига қарамасдан, бир гал беллари, иккинчи сафар оёқлари қақшаб оғриётган бўлади. Бот-бот кутилмаганда нафаслари ҳам сиқиб қолади. Кўнгилларини кўтариб, далда берар эканман, баъзан узоқ йиллар давомида узлуксиз равишда "Ташланг, шу ишингизни, бу касбда ҳали ҳеч ким нафақага қадар соғ-саломат етиб боролмаган", дея ёзғирганларим ёдимга тушади. Раҳмим келганидан, эътибор қилмасдингиз, ҳаммаси ўша оғир меҳнатнинг асорати, деган сўзлар беихтиёр оғзимдан чиқиб кетарди.

— Эй, жабр тортаётган бир менми,— бепарво жавоб қайтарардилар дадам шунда, ҳамон ҳеч нарсани тан олгилари келмай.— Атрофингга қарагин, нафақага чиққан бирорта механизаторнинг соғи борми, ўзи?

Мен хаёлан атрофимга қарайман, қўшни ва яна бошқа маҳаллаларда яшаётган собиқ механизаторларни бирма-бир кўз олдимга келтираман. Отабой Бобоев, Илҳом Иброҳимов, Икром Муллажонов, Собир Иномов... Уларнинг ҳаммалари дадам билан қарийб баб-баравар, бир хўжаликда узоқ йиллар ишлаб, олдинма-кетин нафақага чиққанлар. Бунга ҳали уч йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин, ачинарлиси шундаки, ҳаммаларининг саломатликлари бир хилда... абгор. Қарилик гашти, гапнинг очиғи, сираям татимаяпти уларга. Бирларининг беллари, оёқлари оғриса, иккинчилари ошқозон ва нафас йўлларининг шикастланганлигидан узлуксиз шикоят қилишади. Тўшакка михланиб ётиб қолганлари ҳам бор.

— Биз ҳарқалай юриб турибмиз-ку, худо оғир дардлардан сақласин,— дейдилар дадам тўшакдан туролмай ётган ўша баъзи ҳамкасбларини эслаб.— Тунов куни фалончи амакингни кўриб келдим. Бечоранинг аҳволи оғир.

Индамайман. Лекин, гапнинг очиғи ичимни ит тирнайди. Чунки, бу касбда узоқ йил ишлаб, оғир ва машаққатли меҳнати давомида ғўзаларга пуркаладиган бутифосдан тортиб, яна мен номини билмайдиган аллақандай заҳар-заққумларга обдон тўйиниб, нафақа ёшига етмасдан рихлатга юз бурган механизаторларни ҳам биламан. Сир эмас, бу касб энди-энди ўз қадрини топиб боряпти. Аммо, яқин вақтларга қадар чигитни экиб, ҳосилини йиғиб олиб, даладан ҳаммадан кейин ерни шудгорлаб қайтадиган механизаторларнинг бирортаси қилган меҳнатларига яраша рўшнолик кўрмадилар...

Мақсадга ўтмасдан аввал шуни таъкидлаб қўйишни истардим: мен бу касб машаққати хусусида исталган мутахассис билан соатлаб баҳслашишга тайёрман. Негаки, шу касбнинг нонини еб, вояга етганман. Болаликдаги энг зийрак даврим 42 йил механизаторлик қилган, бир касбда, бир жойдан нафақага чиққан отамнинг ёнида, унинг оғир юмушларини кузатиш билан ўтган. Ўша давр пахта сиёсати ҳар нарсадан устун турган кезларга тўғри келади. Эрта кўкламдан ер етилар-етилмас оиламиз билан қуруқ шудгорга — далага кўчиб кетардик. Мавсумий чайлада то пахта ҳосили йиғиб-териб олингунча пайкал бошида яшардик. Отам азонлаб — ҳали тонг ёришмасидан тракторда ғўза қатор ораларига кириб кетганларича, қош қорайиб, кўзга ҳеч нарса ташланмайдиган паллагача қайтиб чиқмасдилар. Ёнилғи эгат бошида қуйиларди. Баъзан мен олиб борадиган егуликни трактордан тушмасдан ўтирган кўйлари нари-бери тамадди қилиб олардилар. Чайлага юрмайсизми, десам, куннинг қизишини қарагин, ер ўтиб кетади, вақтида культивациядан чиқариш керак, дердилар олдинда сувдан кейин етилиб, оқариб бораётган ғўза қатор ораларига ишора қилиб. Эртаси кун қўшни пайкалда ўша саволимга яна одатдаги жавобни эшитардим. Энди суғориш керак. Бўлмаса шонаси тўкилиб кетади. Бугун эгат оляпман.

Мен эсимни таниб қолганим учун ҳарқалай отамни кўргани шу тариқа пайкалга ўзим борардим. Лекин, кичкина укаларим ҳафталаб кўришолмасди Чунки, дадам улар ухлаб қолганларида қайтиб, ҳали уйғонмасларидан туриб, далага жўнаб кетардилар. Укаларим дадамни соғиндик, деб хархаша қилишса, ойим уларни юпатишга тушардилар. Адаларинг сизларни кўрди, болаларим, ҳатто, ҳаммаларингни бир-бир ўпиб ҳам қўйдилар. Уйқуда эдиларинг, билмадиларинг. Шанба нима, якшанба нима, отам учун мутлақо аҳамиятсиз эди. Устига устак меҳнатнинг оғирлигини айтмайсизми. У кезлар эгат оралаб чопиқ тракторларида ҳам узунасига, ҳам кўндалангига юриларди. Бу вақтда шунақанги кучли силкиниш юз берардики, гоҳида қизиқиб "катайса қилдиринг" деб ёнларига ўтириб қолсам, ҳали бола бўлишимга қарамай, назаримда ичим тўкилиб кетгандек туюларди. Пайкал бошига бир бориб келмасдан, безиллаб, бўлди, тушаман, деб қолардим. Бунинг устига бригадирлар маълум ўлчовда кесилган қанор халтачаларига "ДТ" деган энг хавфли доридан солиб, культиваторларнинг ишчи қисмларига осиб қўйишга мажбур қилишарди. Агрегат юрганда силкингани сайин қанор қопдаги дорилар ғўза барглари устига тўкилар, шу йўл билан ҳашоротга қарши курашиларди. Ҳар гал эгат бошига чиқилганда қопчалар қайта дорига тўлғазилиб, яна жойига илиб қўйиларди. Мен юқорида номларини тилга олган механизаторлар ҳам қўшни звенода қўшни бригадада ишлашарди. Ҳаммаларининг қисматлари бир хил эди. Тиним билишмасди. Тайёралар дори пуркаган пайкалларга ҳам биринчи бўлиб механизаторлар кириб боришади.

Пахта йиғим-терими мавсумидаги азобларнинг бисёрлигини айтмайсизми? Эндигина пайкалдан чиққан тракторларни устахонага қўйишиб, ҳамма механизаторлар ёппасига хўжаликнинг марказий техника сақлаш майдонига чопишарди. Бир ой қора мойга ботиб, пахта териш агрегатларини созлашарди. Қайтиб келгунларича дефолиация ўтказилиб, барглари тўкилган ғўза ҳосили териб олишга шай бўлиб қоларди. Яна бирин-кетин пайкалга кириб кетишарди. Уйқусизлик, толиқишлар, чанг ютиб эгат ўртасида тўлиб қолган бункер ичига тушиб, пахтани тепкилаш... Кечқурун ишдан алламаҳалда чайлага қайтадиган отамнинг юз-кўзларига илашган чанг тракторнинг ўзига ўтириб қолганидан кам бўлмасди. Ойим тайёрлаб берадиган чойгумдаги тоза сувни отамнинг бошларидан қуйиб турганимда лойқаланиб тушарди. Мана, шунақа касб эди бу механизаторлик.

Энди вояга етиб, англашимча, бунақанги оғир юмушларни бажарувчиларга доимий равишда, албатта, сут-қатиқ бериш лозим экан. Таассуфки, у ҳеч кимнинг, ҳатто, хаёлига ҳам келмасди. Бечора механизаторлар ўз иш ҳақларини, ўша арзимас маошларини ҳам вақтида олиша олмасди. Шунга қарамай негадир ҳаммалари ихлос билан, қандайдир кучли иштиёқ билан ишлашарди. Бунинг сабабларини ҳам энди ўзимча хаёлан шарҳлаяман, таҳлил этяпман. Биринчидан, улар шу касбни севишарди, иккинчидан энг муҳими, мана шу техника ортидан бола-чақа боқаяпмиз, деб ҳалол ишлашдан, машаққатлардан чўчишмасди.

Отам ва унинг ҳамкасблари, умуман, мана шу авлод техника рулини тутиб, охирига қадар, то нафақагача бир амаллаб етиб келишди. Ҳамма жойда ҳам шундай бўлди. Лекин, мен бугун бир муҳим нарсага ҳамиша эътибор қиламан ва ҳар доим таажжубланаман. Уларнинг ортидан шу соҳада муқим ҳолда келаётганлар деярли йўқ ҳисоби. Механизаторлик касбига астойдил қизиқиб, трактор рулига иштиёқ билан ўтираётганларнинг аксарияти, нари борса, ўн йил амал-тақал қилиб ишлашяпти. Кейин кутилмаганда бошқа ишни бошидан тутиб кетишяпти. Нега, нима сабабдан дейман, бу ҳолни кузатиб туриб баъзида ўзимга ўзим. Ҳозирги тракторлар ҳар жиҳатдан аввалги маркаларига солиштирганда анча ихчам, от кучи кўп, ўриндиқлари ҳам силкинишга қарши мослаштирилган. Иссиқ кунларда ҳароратдан ҳимояланиш учун махсус варраклари бор. Чанг-тўзондан ҳам муҳофаза қилиниши мумкин. Ҳайдовчи ўтирадиган жойнинг атрофи ўралган, ойнали, эшикли... Йўқ, гап бунда ҳам эмас. Менинг англашим ва кузатишим бўйича бу касб ҳали ҳам ўз машаққатига яраша алоҳида ҳимояга, турли имтиёзларга муҳтож соҳа бўлиб қолмоқда. Чунки, у енгил касб эмас.

Механизаторларнинг, хусусан, далада, пахтада ишлатиладиган тракторларнинг ҳайдовчилари айни мана шу важлардан бу касбга астойдил ихлос қўйиб кетишолмаяпти. Эртадан то қош қорайгунча шовқини кучли трактор рулини бошқарадиган механизаторларнинг асаблари ишдан сўнг қай даражада бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг. Бу касбга қизиқишни кучайтириш учун, чамаси, аввало шу тармоқнинг паст-баландини талаблар даражасида ўрганиб чиқмоқ керак. Бу мендаги кеча ёки бугун туғилган қандайдир хомаки фикр эмас. Эсимни таниганимдан буён мана шу касбни, уни эгаллаган одамлар фаолиятини мунтазам кузатиб юриб, узоқ мушоҳадалардан кейин чиқарган хулосам бу!

Гоҳида бир-икки йил механизаторлик қилиб, сўнг ўзини бошқа соҳага уриб кетган кишиларни саволга тутаман.

Аввал, майли, маоши ҳам кам эди, ишлаш ҳам енгил эмасди. Наҳотки ҳозир ҳам қийинчиликлар кўп бўлса, дейман. Бу касб меҳнати ва машаққатига ҳали ҳам тайинланган маош оз, баралла жавоб қайтаришади улар. Кейин дабдурустдан менинг отамнинг механизатор бўлганлигини эслаб, уни ва ҳамкасбларини мисол келтиришади.

Улардака ҳали ҳеч ким астойдил ишлай олгани йўқ, лекин, шунча меҳнат ҳисобига охир оқибатда нимага эришдилар. Ҳаммаларининг саломатликлари яхши эмас. Бунинг устига нафақалари ҳам эл қатори. Ҳеч қандай имтиёз тўғрисида гап йўқ.

Менимча, бу гапларда жон бор.

Ўзбекистонимизнинг мустақил давлат деб эълон қилинганига уч йил бўлаяпти. Пахтамиз ҳамон асосий миллий бойлигимиз бўлиб қолмоқда. Уни етиштиришни таъминлашда эса ҳаммадан ҳам кўп ва муҳим роль ўйнайдиган механизаторлардир. Бу исбот ҳам, ҳеч қандай мунозара ҳам талаб қилмайдиган, беш қўлдек кўзга кўриниб турган бор ҳақиқат. Биз қишлоқ хўжалигидаги асосий ва аксарият юмушларни техника зиммасига юклаш тўғрисида ҳамон гапириб келаяпмиз. Авваллари ҳам бу ҳақда оз сўз юритилмасди. Лекин итсаймизми, йўқми, ҳозирги кунда ҳам амалдаги мавжуд ҳолатни инкор этолмаймиз. Пахтага боғлиқ асосий юмушлар ҳамон қўлда бажарилмоқда. Бунга, айниқса, бу йилги эрта баҳордаги қийинчиликлар, айрим хўжаликларда ишчи кучи етишмаслиги яққол мисол бўла олади. Ёғингарчиликнинг меёрдан ортиқ ёғиши ҳисобига эрта кўкламда кўплаб пайкалларни бегона ўтлар босиб кетди. Баъзи жойларда ғўзаси ўт орасида, кўринмай қолган пайкалларни ҳам учратиш мумкин бўлди. Шу ўринда бир нарсани рўй-рост айтиш мумкинки, қаерда, қайси бригаданинг механизатори ўта маҳоратли бўлса, ўша ерда бегона ўтларга вақтида қирон келтирилди. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Чунки, қўл кучи билан амалга ошириладиган, аксарият мураккаб юмушларни чопиқ тракторлари ёрдамида анча, баъзи жараёнларда эса бутунлай енгиллатиш мумкин. Шунга имкон бор. Агар механизатор чўчимаса, уддасидан чиқолса, бегона ўтларни ғўзанинг бўғзигача қиртишлаб бора олади. Мен бунинг шахсан гувоҳи бўлганман. Культиваторларга шароитга қараб ўрнатиладиган шунақанги турфа хил қўшимча ишчи мосламалари мавжудки, улардан тўғри фойдалана олиш фақат наф келтиради, пахтакорнинг оғирини енгил қилиб юборади. Бунинг учун фақат механизатор чинакамига маҳоратли бўлмоғи лозим. Бу касбда камида беш-ўн йил ишлаб, эгат ораларида агрегатни тўғри юргиза олиш ҳадисини обдон эгалламаган механизатор бунинг уддасидан чиқолмайди. Аксарияти ғўзани нобуд қилиб қўяман, кесиб юбораман, деб ҳадиксирайди. Айрим хўжаликларда эса тажрибали механизаторлар бу мураккаб юмушларни уддасидан чиқишяпти. Чопиқдан қўллари қаварган оддий ишчиларнинг жонларига оро киришяпти. Лекин, минг афсуски, бу қулайлик ҳамма жойда эмас. Сабаби — механизаторларда маҳорат кам. Маҳоратнинг камлиги эса бу касбда одамларнинг муқим ҳолда ишлаб кета олмаётганлигидадир. Касбда ўрнашиб қолиш учун юқорида таъкидлаганимиздек, ҳали бу соҳанинг ҳал этилиши лозим бўлган, ўзига хос муҳим муаммолари бор.

Сўнгги вақтларда турли тармоқларда меҳнат қилаётган кишиларнинг моддий манфаатдорликларини ошириш, турли имтиёзлар яратиш бўйича жумҳуриятимиз Президентининг ўнлаб фармонлари чиқди. Берилаётган имтиёзлар, касбларни такомиллаштириш бўйича яратилаётган имкониятлар ҳеч шак-шубҳасиз ёшларда ана шу соҳаларга нисбатан қизиқишни кучайтирмоқда. Қишлоқда ва қишлоқ хўжалигида асосий фигура ҳисобланган механизаторлар фаолияти ҳам, менинг нуқтаи назаримча, шу касбни яна ҳам такомиллаштирадиган қандайдир муҳим бир рағбатларга муҳтож бўлиб тургандек.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" махсус мухбири.**

### МУАЛЛИФДАН:

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мазкур мақоланинг ёзилганига анча бўлди. Лекин, у айрим сабабларга кўра бир мунча вақт туриб қолди. Ҳар сафар вилоят ва жумҳурият миқёсидаги қишлоқ хўжалигига оид йиғинларда иштирок этар эканман, механизаторлар ҳақида, уларнинг масъулиятлари хусусида бирор жўяли гап айтилар эканмикан деб, раҳбарлар фикрига диққат билан қулоқ тутардим. Таассуфлар бўлсинким, бу тўғрида ҳеч кимдан садо чиқмасди. Шунда ҳар сафар, механизаторлик қишлоқда асосий касб-ку, нега, нима учун бу ҳақда жиддий фикрлар айтилмаяпти, дея ўйга чўмардим. Ана шундай хаёллар оғушида юрганимда ниҳоят бир куни мени қийнаб келаётган шу масала бўйича кутилмаганда ўта ҳаққоний ва ҳолис фикрнинг шахсан гувоҳи бўлдимки, бундан беихтиёр тўлқинланиб кетдим... Пискентда, "Пискент" жамоа хўжалигининг Усмон Тўрақулов етакчилик қилаётган бригада дала шийпонида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги маслаҳат кенгашининг пахтачиликка бағишланган йиғилиши давом этарди. Қўшни тумандаги қайсидир жамоа хўжалигининг раҳбари сўзга чиқиб, узундан-узоқ ваъз айтаётган эди. Шунда йиғилишни бошқараётган вилоят ҳокими Мирзамурод Икромов уни гапдан тўхтатди ва ҳеч бир кутилмаган савол билан мурожаат қилди:

— Қани айтингчи, ўтган йили яхши ишламаганлиги учун неча нафар механизорингизга чора кўрдингиз?

Раис даб-дурустдан берилган бу саволга жавоб қайтара олмади.— Демак хўжалигингизда механизаторларга эътибор йўқ,— гапида давом этди Мирзамурод Бердимуродович.— Агар бўлганида, кимни қандай ишлаётганини ҳам билардингиз, ва шунга қараб механизаторларнинг меҳнатини баҳолай олардингиз.

Сўнг вилоят ҳокими қўлига микрофон дастагини олиб, барча йиғилиш аҳлига қарата қатъий қилиб таъкидлади:

— Айтиб қўяй, пахтачиликда энг асосий куч — бу механизаторлар. Уларнинг масъулиятлари оширилмас экан, сидқидилдан ишлашлари учун қулай шарт-шароит яратиб берилмас экан, бу соҳада ҳеч қачон кутилган натижага эришиб бўлмайди. Механизаторларга муносабатни яхшиланглар, уларни қадрланглар. Микрофон орқали жаранглаган бу сўзлар кенг дала узра узоқ-узоқларга таралиб кетди. Шунда ўгирилиб, ўз агрегатлари ёнида тик турган кўйи йиғилишни кузатаётган бригада механизаторларига қарадим. Қарадим-у, айтилган гапдан уларнинг қуёш нурида қорайган чеҳраларини бирдан ёришганини, юзларида чиройли табассум жилва қилганлигини кўрдим. Бу сўзларни улар неча йиллардан буён орзиқиб, зор бўлиб кутиб юришганди, ахир. Мен ҳам ўша куни Тошкентга қайтгач, ғаладондаги ушбу мақоламни узоқ фурсатдан сўнг яна қайта қўлимга олдим. Энди мақола ёруғлик юзини кўрадиган фурсат пишиб етилганлигини англадим. Кечқурун ишдан қайтгач эса, кўчада трактор овозини эшитганда азбаройи кучли қизиқиш ва иштиёқ туфайли ҳамон ўтирган ўрнидан қўзғалиб кетадиган отамни йиғилишда айтилган фикрларни эслаб, ҳурсанд қилдим. Мақола қайта нашрга тайёрланаётган чоғда "Туркистон" газетасининг 20 июль сонида вилоятимиз ҳокими М. Икромов имзоси билан "Қарс икки қўлдан..." сарлавҳа остида босилган мақоласини ўқиб чиққач, яна бу мавзуга қизиқишим кучайди. Мақолада Мирзамурод Икромов Тошкент вилоятида ёш механизатор кадрлар тайёрлаш масаласини ҳар томонлама такомиллаштириш, уларнинг бу касбга бўлган қизиқишларини тубдан кучайтириш борасидаги жиддий фикрларини ўртага ташлабди. Ишонсак бўлади, бир вақтлар вилоятимиз довруғини бутун жумҳуриятга ёйган механизаторларимиз ўз қадрларини қайта топадилар. Вилоятимиз ўзининг сўнгги йилларда йўқота бошлаган азалий шуҳратини қайта тикламоқда.

*Ғалла — ризқ-рўзимиз*

## ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ: 11000 ТОННАГА ЕТАДИ

ВИЛОЯТИМИЗ ғаллазорларида ўрим-йиғим ишлари поёнига етай деб қолди. Комбайнлар билан сўнгги гектарлардаги дон ҳосили йиғиштириб олинмоқда. Бу йилги ўрим-йиғим мавсуми оғир кечишига қарамай ғаллакорларимиз астойдил ғайрат, шижоат кўрсатиб меҳнат қилишди. Ишни ўрим-йиғимнинг биринчи кунларидан бошлаб пухта ташкил этган, далада ишлаётганлар учун зарур ҳамма шарт- шароитларни яратиб берган ва улар меҳнатини ўз вақтида муносиб рағбатлантириб борган айрим туманлар давлатга дон топшириш режасини барвақт бажариб, ҳосилдан бўшаган сувли ерларга такрорий экинлар экмоқдалар.

Куни кеча Қуйичирчиқ тумани ғаллакорлари ҳам ғалабани қўлга киритдилар. Давлат омборларига режадаги 10.800 тонна ўрнига 10.859 тоннадан зиёд дон етказиб берилди. Туман хўжаликларида ғалла ўрим-йиғими ва давлатга дон сотиш қизғин давом этмоқда. Яқинлашиб келаётган республикамиз тўйи шарафига меҳнат мусобақасини кундан-кун авж олдираётган азамат ғаллакорлар ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, давлатга сотиладиган жами дон миқдорини 11.000 тоннага етказишга аҳд қилдилар.

Қуйичирчиқлик ғаллакорлар меҳнат зафарига давлатга режадаги 1960 тонна ўрнига **2166** тонна дон сотган **"Ўзбекистон"**, 410 тонна ўрнига **828** тоннадан зиёд буғдой етказиб берган **"Дўстлик"**, **613** тонна ўрнига **846** тонна ғалла сотган **"Ўжакент"**, **627** тонна ўрнига **786** тонна дон тортиқ қилган **"Гулистон"** ва бошқа хўжаликлар салмоқли улуш қўшдилар.

Туман бўйича дон ҳосилдорлиги гектар бошига ўртача 33 центнерни ташкил этди. "Дўстлик", "Ўжакент" ва "Гулистон" сингари хўжаликларнинг миришкор деҳқонлари суғориладиган ғалла майдонларининг ҳар гектаридан 34 — 39 центнердан хирмон кўтаришга муваффақ бўлдилар.

**Н. ХИКМАТУЛЛАЕВ.**

## КЎРИК ҚИБРАЙДА БЎЛАДИ

МАЪЛУМКИ, автодаъватхоналар ишларини жонлантириш, улар фаолиятига янгича йўналиш бериш ҳозирги пайтдаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Шу боис Тошкент вилоят маданият ишлари бошқармаси кўрик-танлов ўтказиб, автодаъватхоналар ишига ўзига хос бир баҳо беришга қарор қилди. Мазкур кўрик-танлов шу йил 15 август куни ўтказилади. Ҳамма томонлама қулай бўлган Қибрай тумани кўрик-танлов ўтказиладиган манзилгоҳ сифатида танланди. Автодаъватхоналар беллашуви эрталаб соат 10 да бошланади.

Омад ёр бўлсин!..

## ҚАҲРАМОНЛАР ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган тадбирлар авж олаётган шу кунларда шаҳримиздаги Мирзо Улуғбек номли маданият уйи ижодий жамоаси томонидан тайёрланган "Қаҳрамонлар ҳақида қўшиқлар" деб номланган ёшлар учун адабий мусиқали ўйинлар барча ўқув юртлари, маданият масканларида ўсмирлар билан ўтказилиб борилмоқда. Уруш йилларининг куй ва қўшиқлари, уруш қаҳрамонлари ҳақидаги қўшиқлар, қасидалар, шеърлар ҳамда оловли йиллар ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар, шунингдек, адабий ва мусиқали топишмоқлар ёшларни ўйлашга чорлаб, адабиёт ва санъатга янада меҳрини оширяпти, шунингдек, ўтмиш тарихимизни, бизлар учун ва шу кунлардаги ҳаёт учун жонларини фидо қилганларни ёд этиб, уларнинг улкан ишларидан бохабар бўлишда муҳим омил вазифасини ўтаяпти. Дастурни маданият уйи ходимларидан Любовь Войнова, Елена Кираева, Владимир Дементьев ва бошқалар тайёрлаганлар.

Ранг-баранг қизиқарли жумбоқлар, мусиқалардан, турли асарлардан олинган театрлаштирилган лавҳалардан иборат дастурни ёшлар қизиқиш билан кутиб олмоқдалар.

**С. СИРОЖИДДИНОВ.**



## ОЗУҚА ЖАМҒАРИЛМОҚДА

ЯНГИЙЎЛ туманидаги "Озод" жамоа хўжалиги чорвадорлари қишли-қировли кунларга ҳозирдан бошлаб пухта тараддуд кўрмоқдалар. Шу кунларда 93 гектарлик бедазорда моллар учун кўк озуқа ўриш қизғин бормоқда. Ҳар куни сут-товар фермасига 25-30 тоннага яқин барра кўк беда етказиб берилмоқда. Суратларда: (чапда) комбайнчи О. Ортиқов, механизатор М. Мирсултонов, сифат инспектори М. Мирзабоев ва механизатор Э. Азаматовларни кўриб турибсиз, (ўнгда) хўжалик бедазорларида ўрим пайти.

**Р. Галиев олган суратлар.**



